

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи кўнғизлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача ўрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацетоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖУРАЕВ

Қовушқоқликни оширувчи кўндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адирларида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органик-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТҮЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги..... 40

Б.ТҮЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари..... 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишмандлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Кўёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 370

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

Т. Эгамбердиева, И. Сиддиқов

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг тадрижий ривожланиши, ҳуқуқий асослари, соҳага ҳукумат томонидан берилаётган эътибор, халқаро ҳамкорлик ва эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье анализируются реформы, осуществляемые в сфере образования, их эволюция, правовые основы, внимание, уделяемое со стороны правительства этой сфере, международное сотрудничество, достигнутые успехи.

Annotation

Questions connected with reforms which are realized in sphere of education, their evolutionary development, its lawful foundations, government's attention to this sphere, international collaboration, and achieved successes are analyzed in the article.

Таянч сўз ва иборалар: таълим, таълим ислоҳоти, тадрижий ривожланиш, миллий таълим модели, таълим сифати, баркамол авлод, таълим тараққиёти, таълим самарадорлиги.

Ключевые слова и выражения: образование, реформа образования, эволюционное развитие, национальная модель образования, светлое качество образования, гармонично развитое поколение, развитие образования, эффективность образования.

Key words and expressions: education, reform of education, evolutionary development, national model of education, perfect generation, development of education, efficiency of education.

Ўзбекистон мустақил бўлган дастлабки кунлардан бошлаб таълим тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилганлиги ва бугунги кунга келиб таълим соҳасидаги ютуқларимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада эришган юксак марраларни кўришимиз мумкин. Мазкур ютуқ ва марраларни қўлга киритишимизга, албатта, меҳнаткаш халқимиз, давлат раҳбари ва ҳукуматнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари сабаб бўлди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек “Биз таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли ислохотларимизни, албатта, охирига етказишимиз, бундай таълим даргоҳларини нафақат қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, балки фарзандларимизни замон талаблари асосида камол топтириш учун энг юксак малакали ўқитувчи ва устозларни жалб этиш, уларнинг билим ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга энг муҳим, ғоят масъулиятли вазифа деб қарашимиз зарур” [1.244].

Мустақиллик арафасида республика халқ таълими тизимида муаммоли вазият ҳукм сурган. 80-йилларнинг охирида

республикадаги мактабларнинг 700 га яқини таъмирга муҳтож ҳолатда эди. Халқ таълимини маблағ билан таъминлашнинг «қолдиқ» тамойили ҳали ҳам давом этаётган эди. Республикада туғилиш кўп бўлган ҳолда, мактаблар етишмас, уларнинг ўқув-моддий базаси ачинарли аҳволда эди [2.131].

Дарҳақиқат, ўтган аср 80-йилларнинг иккинчи ярмида халқ таълими, олий таълим тизимида сусткашлик, фоизбозлик иллатлари чуқур илдиз отиб, миллий жиҳатлар инobatга олинмаган. Манбаларга кўра, 1987 йилнинг сентябрида республикадаги жами мактабларнинг 5596 таси (72,1 фоизи) икки сменада; 23 таси ҳатто уч сменада ишларди. 1178,7 минг ўқувчи иккинчи сменада ўқир эди [3.41].

Ана шундай ҳолатда мустақилликка эришган Ўзбекистон халқига ислоҳга муҳтож бўлган таълим тизими мерос бўлиб қолди. Мазкур муаммо 1989 йилнинг 25 октябрида Ўзбекистон ССР Олий Советининг XI сессиясидаги И.А.Каримовнинг сўзлаган нутқида ҳам ўз аксини топди. И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш ишига катта эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни билдирган эдилар: “Агар иқтисодиётимиз бақувват бўлса,

Т. Эгамбердиева – ФарДУ, педагогика фанлари доктори, профессор.
И. Сиддиқов – ФарДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси.

яхши ривож топса, бундан маданиятимиз ҳам мадад олади, ривож топади.

Агар эртанги кунимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажакда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиш, уларнинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало, маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. ... Айтиш керакки, кадрларни пухта қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки, бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди” [4.70-71].

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўша даврдаёқ республика таълим тизими мазмунан ислоҳ этилиши, босқичма-босқич мазкур тизимни давр талабларига мослаштирган ҳолда янгидан моддий-техник базасини бойитиш ва такомиллаштириш зарурати бор эди.

Мустақил Ўзбекистонда таълим тизими 1992 йил июлида мустақил Ўзбекистоннинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан ислоҳ этила бошланди. Мазкур қонунга кўра таълим-тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий тажриба, халқимизнинг узоқ йиллар давомидаги илмий ва маданий анъаналари ҳамда жамият ривожининг истиқболлари асос қилиб олинди. Ушбу қонун асосида 1997 йилга қадар республикамиз бўйича таълим муассасалари янгича асосда ислоҳ этила бошланди. Бу йилларда “Мактабгача тарбия”, “Умумий ўрта таълим”, “Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар”, “Ёшлар сиёсатига оид” каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилди. Давлат таълими тизими жаҳон амалиёти талабларига мувофиқ келиши учун хорижий мамлакатлардаги илғор тажрибалар ўрганилди ва шу асосда 20 дан ортиқ йўналишлар, фанлар бўйича стандартлар лойиҳалари тайёрланади. Улар Давлат фан ва техника қўмитаси экспертизасидан ўтказилиб, таълим муассасалари амалиётида қўлланила бошланди.

Жамиятдаги янгиланиш жараёни ёшлар тарбиясида ҳам йирик ўзгаришлар қилишни талаб қила бошлади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан цивилизациялашган демократик жамият

қуришга ўтиш тарбиядаги эски анъанавий қарашларнинг айримларидан воз кечишга, ҳаётга мос бўлган миллий хусусиятларни ўзида акс эттирган тарбиявий ишлар услубларини излаб топишга туртки берди. Энди ўқувчи ёшлар онгига миллий маданиятимиз, халқимиз тарихи, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни тўлиқроқ сингдиришга, уларни бошқа халқлар маданиятига яқинлаштириш, уларда миллатлараро муносабатлар маданиятини, биргалиқда фаолият кўрсатиш амалиётини вужудга келтиришга асосий эътибор қаратилди.

Бу йилларда таълим жараёнининг асос устунларидан бўлган янги адабиётлар яратилди. Адабиётлар яратишда янгича таълим тизимининг ғоявий асоси бўлган асосий тамойилларга катта эътибор қаратилди. Таълим тизимида узлуксизлик ва шу билан бирга ўрта махсус таълимнинг асослари яратилди. 1995-1996 ўқув йилида 178 та лицей, 105 та гимназия фаолият кўрсата бошлади [5.33].

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жаҳон тараққиётидаги тажрибани чуқур ўрганган ҳолда, республикамиз халқ таълимининг барча бўғинларини, шунингдек, ҳунар-техника таълими тизимини миллий асосда қайта қуриш ишига киришилди. Республика ҳунар-техника таълимини ривожлантириш концепсияси ишлаб чиқилди. Республикада “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, 1992 йилда ҳунар-техника таълимининг мазмуни ва моҳиятини ўзгартириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника таълимини ривожлантириш концепсияси”, 1994 йилда эса “Ҳунар-техника таълимини ривожлантиришнинг 1994-1999 йилларга мўлжалланган дастури” ҳам қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди.

Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Биринчи Президент И.А.Каримов 1997 йил август ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис IX сессиясида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини таклиф этди ва бу қонун қабул қилинди. Бу дастурни қабул қилиб, уни ҳаётга татбиқ этишдан мақсад – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла

халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборат эди. Ундаги мақсад ва вазифаларнинг босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши кўзда тутилди. Биринчи босқич вазифаларини 4 йил давомида (1997-2001 йиллар), иккинчи босқич вазифаларини 2001-2005 йилларда, учинчи босқич вазифаларини эса 2005 йилдан кейинги йилларда амалга ошириш белгилаб берилди.

1997 йилдан буён ҳам таълим соҳасида залворли ишлар амалга оширилди. Хусусан, бугунги кунда таълим тизими узлуксиз шаклга эга бўлиб, унинг ҳар бир босқичи ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан бугунги давр талабига мос равишда тараққий этиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш бир бутун тизими юзага келди.

Айни вақтда юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормоқда. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи оширилиб, телевидение ва радио таълим дастурларининг интеллектуаллашуви

таъминланди. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилди, ўқув, ўқув-услубий, илмий адабиётлар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида»ги 204-қарорига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Марказ)” ташкил этилди. 1998 йилда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари дастлаб тажриба тариқасида фаолият бошлади. Академик лицейларга барча (9-синф) битирувчиларнинг тахминан 10-15 фоизи танлов асосида қабул қилинди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда **Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида**”ги Фармонида кўра, мактаб таълим тизими тубдан яхшиланиб, энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилди, яшаш жойидан қатъий назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилди ҳамда ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириб боришга эришилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ратификация қилди. Жумладан, 1997 йил 30 августда Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (Париж, 1960 йил 14 декабрь)га қўшилди ва мазкур Конвенция талаблари мамлакатимизда 1998 йил 8 мартдан қўлланила бошланди.

Шу билан бирга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган

фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ҳукумат қарорига мувофиқ олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш амалиётга жорий этилди.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил билим олишини таъминлаш мақсадида ўқув режада мустақил таълим юктамалари кўпайтирилди, мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни, метод ва воситалари уйғун равишда ишлаб чиқилди, ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Инҳа университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритаётгани диққатга сазовор.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълимнинг мазмун-моҳиятини ҳам сифат жиҳатидан ўзгартириб юборди. Глобаллашув, ахборотлашув жараёнида ёшларимизнинг билим олишга бўлган ҳар қандай талабини қондириш йўлида жаҳон таълим тизимининг илғор анъаналари асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш ишлари бошланди. Таълимга замонавий ахборот технологиялари, илғор педагогик методлар жорий этилди. Замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Йўналишлар ҳамда мутахассисликлар соҳа ва тармоқларга мос равишда мақбуллаштирилди.

Олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни илғор ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш шакллари жорий қилиш, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш

борасида янада самарали ишларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабалари учун «Универсиада»ни ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланди. Бу юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ҳамда спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари дадил интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунини учун бутун борлиғини бағишлашга қодирлиги – буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлаётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айланди.

Ўзбекистонда 2016 йилдан эътиборан кучга кирган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний ҳамда маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда. Юзлаб ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, танлов ва фестивалларда юқори чўққиларни забт этаётгани, уларнинг шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилаётгани ўзбек болаларининг салоҳиятини бутун дунё тан олаётганидан, эзгу ният билан экилган ниҳоллар ўз мевасини бераётганидан далолатдир.

Биринчи Президентимизнинг 2012 йилда имзолаган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш тизими тубдан ўзгарди. Соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, чет тили ўқитувчилари малакасини оширишнинг принципиал жиҳатдан янги самарали механизми жорий этилди.

Мустаҳкам моддий-техник базаси, турли замонавий технологиялар, лаборатория жиҳозлари мавжуд бўлганидан кейин таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш фақатгина ўқитувчи маҳорати ва малакасига боғлиқ бўлиб қолади.

Замонавий билим ва технологияларни эгаллаган, зарур лаборатория ҳамда моддий ресурслар билан таъминланган ёш олимлар, тадқиқотчилар кенг кўламли илмий изланишлар олиб бормоқда. Уларнинг янги ишланма ва лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётир. Мамлакатимизнинг ўсиб бораётган илмий салоҳияти ва инновацион иқтисодиёти халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил 17 февралда Тошкентда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда «Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад» мавзусида сўзлаган нутқи эса маълум маънода, ҳисобот моҳиятига эга. Бу нутқдан ўтган 5 йил мобайнида таълим соҳасида амалга оширилган ишларни билиб оламиз.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Биринчи Президентимизнинг миллий кадриятларимизни тиклаш бўйича олиб борган мардона кураши бугун ўз натижасини бермоқда. Биз «мардона кураш» иборасини бежиз тилга олмадик. Чунки бизнинг тарихимиз, маънавий мулкимиз дунё эътиборида. Шўра даврида у шу даражада қасддан чалкаштириб ташланган эдики, уни жой-жойига қўйиш ва эътироф эттириш узоқ, машаққатли курашни ҳамда кўкрак тутиб ҳимоя қилишдек оғир вазифани елкага олишни талаб қилар эди. Бугун мустақиллик

йилларида шу йўналишда амалга оширилган ишлар кўламига назар солар эканмиз, узоқни кўзлаб, мунтазам равишда олиб борилган ишлар туфайли қадим маданиятимиз ва мустақиллик даври орасидаги камситилиш ҳамда беписандлик асри асоратларидан буткул халос бўлганимизни англаймиз.

Албатта, бу билан таълим соҳасидаги ўзгаришлар яқун топмайди. Зеро, биз бугун глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Башарият, техника-технология катта тезликда ривожланмоқда. Глобаллашув билан бир қаторда, ахборот ва ғоявий хуружлар шакли ва кўринишлари кўпаймоқда. Шу билан бирга, миллий ўзлик, миллий менталитет ва ўзига хослик жиҳатларини таълим ва тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлиши ҳам зарурдир. Чунки, айнан шу омиллар мафкуравий иммунитетнинг айрим жиҳатларини ўзида ифода этади. Давр ёш авлод тарбиясида мазкур жиҳатларнинг барчасини эътиборга олишни тақозо этмоқда. Шундай экан, мамлакатимиздаги таълим тизими кейинги йилларда ҳам доимо замон талабларига мос равишда тараққий этиб боравериши зарур ҳолатдир. Зеро, биз таълим тизимини ривожлантирар эканмиз, келажакдаги жамиятимизни энг олий кадриятлар ва халқимиз истаклари йўлида тараққий этишини таъминлаймиз. Қолаверса, дунё тараққиёти ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди. Шунинг учун, таълим тизимини доимо ислоҳ этиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу эса замонавий педагог кадрларни тайёрлаш жараёнига ва уларнинг малакасига бўлган талабларни янада кўчайтиришни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2011.
3. Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълими ривож тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. “Халқ таълими” журнали, 1996 йил, 3-сон.

(Тақризчи: Т. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).